



OZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

«Оммавий ахборот воситаларидаги ижобий ўзгаришларни эътибордан ташқин қилиш билан қараб, бугун замон талаб қилаётган вазифаларни ўз олди-мизга қатъий қилиб қўймасак, маъмуларни ҳал қилиш устида аввало ўзимиз, шу касбнинг ҳақиқий фидойилари бош қотирмасак, ўйламанки, биз учун бу ишни бошқа ҳеч ким қилиб бермайди.»

• 2009-yil • 2-iyul • Payshanba • 78 (30.039) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

ВАТАН КАБИ УЛУҒ ВА АЗИЗ

2 июль — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун



18
МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини ўқиб, кўнгилдан ўтган мулоҳазалар

МИЛЛИЙ МАНФААТ ҲИМОЯЧИСИ

доимо бедор, қатъиятли, эътиқодли ва гурурли бўлмоғи зарур

Бу йил мустақиллигимизнинг 18 йиллигини нишонлаймиз. Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 19 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамини таъриқлаш кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан таъкидланганидек, мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўزлимиз, ор-номусимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан тобора мустаҳкам ўрин эгалламокда.

Юртимиз истиқлолга эришган, ўз давлат рамазларига эга бўлди. Уларда халқимизнинг маънавий-маданий мероси, тарихи, урф-одат ҳамда анъаналари, орзу умидлари, эзгу мақсадлари муҳим даражада раҳбаримизнинг байроғи, Мадҳияси, Конституцияси, миллий нули каби Герби ҳам ана шундай муқаддас тимсоллардандир.

Герб азалдан муайян мамлакатда истиқомат қиладиган халқнинг тарихи, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда амал қилиб ашайдиган ғоялари, ўзига хос табиий ва ҳўжалик хусусиятларини ифода этиб келган. Давлат ишларини юритиш ҳамда халқаро муносабатларни амалга оширишда қўлланадиган муҳрларга, пулларга ва бошқа воситаларга Герб тасвири туширилган.

(Давоми 2-бетда)

Бугун дунёнинг ишлари, феъл-атвори, ўйинлари, кутилмаган муаммолари шу даражада ўзгариб, турланиб, кўпайиб, мураккаблашиб кетдики, қайси гап рост-ўлгонлиги, ким ҳақ-ноҳақлигини ажратиш, тўғри йўлни топиб олиш мана-ман деган донолар ақлини ҳам шошириб қўймоқда. Бу воқеа-ҳодисалардан вақтида огоҳ бўлмасанг, асл мақсад-муддаосини англаб етмасанг, адашсан, боши берк кўчага кириб қолсан. Охир-оқибат ўтқазасан, ризқ-рўзингни, эрқу ҳуқуқингни бой берасан. Бошқаларга қараб бўлиб қолсан. Бу қармоқдан, ўргимчак тўридан чиқиш кетиш осон бўлмайди. Кўп мамлакатлар бошига тушган аччиқ сабоқлар бунга мисол бўла олади.

Тарих таърибасидан яна шу нарса аниқки, ўзига хос ва мос йўлни белгилаб олган, миллий ғоясига эга давлат, бу ғоя атрофида мустаҳкам бирлашган жамият ҳар қандай таъжовузоларга қарши тура олади, алдовлар домига тушиб қолмайди, тараққиёт сари дадил одимлайверади.

Мамлакатимиз Президентини томонидан белгилаб берилган йўлимиз ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтганини бугун дунё эътирофи эсимда. Хуқуқий-демократик давлат барпо этиш мақсадида босқичма-босқич амалга ошираётган ишларимиз самарасини кўриб, ундан баҳраманд бўлиб турибмиз. Аввало, бу имкониятлар ва тараққиётга катта қурашлар, куну тун ҳаловат билмай қилинган меҳнат, сабр-тоқат, аҳиллик, меҳр-оқибат

орқали эришаётганимизни асло ёддан чиқармаслигимиз лозим. Мустақиллигимизнинг 18 йиллик даври мобайнида четдан қилинган қанчалик таҳдид ва хуружларга қарши тура олганимиз, ҳеч кимга бўйин элмаслигимиз, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни исботлай олганимиз, дунё ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб иззат-ҳурмат топганимиз асосий омилларидан бири. Халқимизнинг дунёқараши, хуқуқий-сиёсий онги ошганлиги, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланганини, Ватанга бўлган чин муҳаббати билан боғлиқ деб баҳоламоғимиз тўғри бўлади.

Бугун Ўзбекистон давранинг бир четида бошқаларни тинглаб, қимтиниб ўтирган давлат эмас, Ўзбекистон дунёга ўз сўзини айтмоқда, дунё биз билан ҳисоблашмоқда. Бунини илм-фан, санъат ва спорт соҳасидаги иқтисодий ҳамиюрларимиз, Президентимиз тимсолида кўриб, юрак-юракдан ҳис этиб, фахрланиб, гурурланиб турибмиз.

Мамлакатимиз ривожини, Ватаннинг тараққиётини таъминлаш, жамиятимиз олдида турган юқсак мақсадларга эришиш, яъни ҳар томонлама обод, эркин ва фаровон ҳаёт куриш йўлида биз — матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қиладиган меҳнати юқори баҳолангани, касбимизнинг моҳияти, масъулияти, машаққати эътироф этилгани кўнглимизни тоғдек кўтарди.

Президентимизнинг адолат учун, ҳақиқат учун курашадиган, эътиқодли ва гурурли журналистларни, қалам аҳли-

ни мен ўзимга энг яқин инсонлар деб биламан, деган самимий сўзларидан қанчалик гурурланганимизни таърифлаш қийин. Бу сўзлар устида ўйласанг, кучинга куч қўшилганини сезсанг, ўзинга ишончинг, қасбинга эътиқодинг ошад. Аини чоғда зиммандаги масъулият юки нақадар катталигини янада чуқурроқ англайсан.

Шу кунларда қувонч ва ҳаяжон, гурур ва ифтихордан тўлиб-тошиб турган ҳамкасбларимиз гапларига эътибор берилса, уларнинг ҳар бири табриқда айтилган гаплар, қўйилган вазифалардан ўзига ҳўлоса чиқариб олишга интилаётгани сезилиб турибди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбарининг журналистлар шаънига айтган илқ сўзлари, Ватаннинг тараққиётини таъминлаш ва жамиятимиз олдида турган юқсак мақсадларга эришишда матбуот ва ОАВнинг ўрнига катта баҳо берилгани, олдимизда турган вазифалар аниқ курсатиб ўтилгани биз журналистларни бир томондан қувонтирган, гурурлантирган бўлса, иккинчи томондан янада ҳўшёр торттирди, ўз касбимиз, бурчимиз тўғрисида яна бир бор масъулият билан ўйлашга дэвят этди.

Биз бугун ўз шахсий фаолиятимизга, ижодий жамоамиз савиясига баҳо беришда қандай мезонларга суянмоғимиз, асосланмоғимиз керак?

(Давоми 2-бетда)



ЯНГИ МАЖМУА ИШГА ТУШДИ

Андижон шаҳрининг Бобур шоҳқўчасида яна бир замонавий бино барпо этилди.

«Эко интер сервис» масъулияти чекланган жамияти томонидан қурилган ушбу мажмуа 400 кишилик ресторан ва 200 кишилик ошхонани ўз ичига олади. Бу ерда 40 хилга яқин миллий ва европача таомлар, шунингдек, 100 хилга яқин кондитер маҳсулотлари

тайёрланади. Мажмуада 80 нафар ёш иш билан таъминланди.

Суратларда: мажмуа доимо ёшлар билан гавжум; «Uz-Antalya» овқатланиш мажмуаси.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.



Қишлоқ тараққиётини

ВА
фаровонлиғи йили

ОБОД ҚИШЛОҚЛАР — МАМЛАКАТИМИЗ КўРКИ

«Республикадаги энг яхши қишлоқ» танлови юртимиз ободлиғи, халқимиз фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилади

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари устидан чиқасиз. Қай бир юртдошимиз билан суҳбатлашсанг, қишлоқларимиз қиёфаси кундан-кунга ўзгариб, тобора кўркамлик касб этаётганини тўққинлашиб гапирасиз.
— Бир пайтлар уйимиз йиллар давомида сувалмасам ҳам, «бизга шу чор девор ҳам бўлаверасиз» деб юраверган эканмиз, — дейди Фаргона вилоятининг Кува туманидаги Янгиқишлоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Илҳомжон Мўйинов. — Тўғриси, 90-йилларга ҳам қишлоқимизда бирорта пишк пиштли уй йўқ эди. Албатта, кўпчилиқнинг бунга имконияти етмаган, маблағи бўлган санокли одамлар ҳам уй-жойини обод қилишдан чўчир эди. Шўқрки, мустақиллик туфайли энг чека қишлоқларимизга ҳам улкан бунёдкорлик салоҳияти кириб келди.
Хозир қишлоқимиздаги уйларнинг деярли барчаси шином ва кўркам. Ҳар

учта хонадоннинг бирида ўзимизнинг «Nexia» ёки «Damas»ни кўриб кўзингиз қувнайди. Қишлоқимиздаги фермер ва тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан юзга яқин янги хонадон ичимлик суви билан таъминланди. 78 савдо ва маийий хизмат кўрсатиш шохобчаси 150 дан ортиқ йигит-қизини иш билан таъминлаш имконини берди.

Обод қишлоқлар мамлакатимиз кўрки, халқимиз фаровонлигининг ёрқин намунасидир. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан эълон қилинган Қишлоқ тараққиётини фаровонлиғи йилида замонавий уйлар, равион йўллар, узлуқсиз электр энергияси, тоза ичимлик суви таъминоти ҳамда ривожланган ижтимоий объектлар тармоғига эга замонавий қишлоқлар барпо этиш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган тадбирлар ана шу эзгу мақсадга йўналтирилган.

(Давоми 3-бетда)

ЎзХДП ҳаёти:

партия ташкилотлари конференциялари

ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ

бугунги кун вазифаларидан келиб чиқиб, амалий ишлар қилмоқда

Узбекистон ХДП Термиз шаҳар кенгашида 90 та бошланғич партия ташкилотини фаолият кўрсатади. Уларнинг атрофида 2212 нафар аъзо бирлашган. Кўни кеча мазкур партия ташкилотининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда дастлаб Президентимизнинг «Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шариоитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» номли асарининг мазмун-моҳиятини ўрганиш, шунингдек, давлатимизнинг раҳбарининг Вазирлар Маҳамаси йиғилишида «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби» маърузасидан келиб чиқадиган ҳамда «Қишлоқ тараққиётини фаровонлиғи йили» Давлат дастурини бажаришда бошланғич партия ташкилотларининг асосий вазифалари ҳақида фикр юритилди.

— Инқирозга қарши чоралар дастурини белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш ҳар бир бошланғич партия ташкилотининг, депутатлик гуруҳларининг энг муҳим вазифалари ҳисобланади, — деди шаҳар партия кенгаши раиси Аскар Фойпов. — Дастурнинг мазмун-моҳиятини аввало ўзимиз тўлиқ англаб, сўнгра халққа тушунтиришимиз лозим. Белгиланган вазифалар бажарилишида ҳар бир фуқаро маълум даражада масъул эканлиғи ва ўз хиссасини қўлиши зарурлиғи аини ҳақиқатдир.
Маълумки, бошланғич партия ташкилотини партиянинг асосий таянчи, у аҳоли қатламлари, электротат орасига чуқур кириб боради. Партиянинг сиёсий мавқенини ошириш, юқори органлар қарорлари ижросини таъминлаш кўп жиҳатдан БПТ фаолиятига боғлиқ. Партия шаҳар кенгаши фаолияти самарадорлигини таъминлаш партия Дастури ва Низомиди белгиланган вазифаларини рўйбга чиқаришда бошланғич партия ташкилотлари фаоллигига суянган ҳолда иш олиб бормоқда. Хисобот даврида партия ташкилотлари томонидан

тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилди. Кўллаб урсану, давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ўтказилди. Бу борада ўқув юртрлари ўқитувчи-профессорлари, маданият, санъат намояндлари, спорт усталари, жамоат, нодавлат ношжорат ташкилотлари, ОАВ ходимлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган яхши самара бераётти. Натигада нафақат партия аъзоларининг, балки электротатнинг ҳам дунёқараши кенгайиб, сиёсий онги ошиб бормоқда.

Конференцияда халқ депутатлари Термиз шаҳар кенгашидаги ЎзХДПдан сайланган депутатлик гуруҳи фаолияти тўғрисида депутатлик гуруҳи раиси ўринбосари Исроил Ботировнинг ахбороти тингланди.

— Депутатлик гуруҳимиз асосий эътиборни партиянинг дастурини белгиланган вазифаларни бажаришга қаратиб келяпти. Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессияларига таъриқлар кириши ва уни ўтказишда фаол иштирок этмоқдалар.

Сессияларда аҳолий тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш, табиий хизмат ҳамда уй-жой коммунал хизмат соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш каби ижтимоий масалалар кўтарилди.

ЎзХДП Термиз шаҳар кенгашининг тақлифига асосан депутат Зоя Нуро ва томонидан халқ депутатлари шаҳар кенгашига «Шаҳар аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашнинг аҳволи тўғриси-

да» депутатлик сўрови киритилган. Кенгаш томонидан мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган қарор қабул қилинди. «Шаҳар аҳолисига йўловчи ташиш автотранспорт хизматини яхшилаш тўғрисида»ги депутатлик сўрови ҳам ўз самарасини берди.

Биргина 2008 йилда депутатлик гуруҳимиз томонидан 8 марта депутатлик сўрови киритилди. 12 марта турли ижтимоий масалалар бўйича сессияларда чиқишлар қилинди. Айтиш керакки, баъзи депутатларимиз фаолиятида самара сезилмади. Улар ўз ечимини кутаётган долзарб масалаларга етарлича эътибор қаратишмади. Ўз ваколатларидан ўринли фойдалана олмади. Бундай сафдошларимизнинг фаолиятига ҳаққоний баҳо беришимизга тўғри келади.

(Давоми 2-бетда)



**ЭЛЕКТРОТ
БИЛАН
ИШЛАШ**

2

ГАП АЭРОБУСДАМИ, ЁКИ?..



3



**НАҚАДАР
БУЮКСАН, ВАФО
ШЕВАСИ**

4



ВАТАН КАБИ УЛУФ ВА АЗИЗ

2 июль — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

Давлатимиз раҳбари Исмоил Каримов 1992 йил 2 июлда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида» қонунга имзо чеқди.

Мазкур қонунга асосан, Гербимиз Ўзбекистон Республикаси Президентини Девоини, Олий Мажлис палаталарини, Вазирлар Маҳкамасини, вазирликлар, ҳокимликлар, кўмиталар, ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруш идораларини, мамлакатимизнинг чет эллардаги дипломатия ваколатхоналарини ва консуллик муассасаларининг пештоқида ўрнатилган.

Гербимиз тасвири давлат идораларининг муҳр ва бланкаларида, расмий нашрларда, миллий пул, қимматли қоғозлар ва облигацияларда, почта маркаларида, фуқаролик паспортларида акс эттирилади. Мамлакатимиз давлат чегараларида барпо этилган селобатли дарвозалардаги Давлат герби барчамизга гуруҳ-ифтихор бағишлайди. Ватан оstonасидаги юрт тамгасини кўриб, қалбимиз беихтиёр эндилади.

Гербимиздаги ҳар бир ранг, ҳар бир белгида муайян рамзий маъно бор. Унда яшил водий узра нур сочаётган қуёш тасвири туширилган. Бу серкӯш заминимиз, гўзалликда тенги йўқ диёримиз ифодасидир. Пувиқор тоғлар оралаб оқаётган дарёлар — мангүлик тинсоли, халқимиз кўзлаган марраларнинг сарбаландлигидан далолатдир. Гербнинг юқори қисмида халқимиз озодлиги ва ҳамжихатлигини ифода этувчи мусамман — саккизбурчак ичида мовий осмондаги ярим ой ва юлдуз акс этган. Бу миллий аънава ва кадрларимизнинг бардавомлиги, юксак маънавиятимиз, ирода ва эътиқодимиз мустақамлигига ишорадир.

Гербдаги чамбарда чаноклари очилган гўза шохлари ҳамда олтинранг бугунги кунга имзо чеқди.

дой бошоқлари тасвирланган. Пахта ва галла азалдан юртимизда фаровонлик, тўкинлик, мўл-кўлчилик манбаи ҳисобланади. Бу қадимдан юртимизда деҳқончилик маданияти ривожлангани, ризқ-рўзимиз бутунлигини, мамлакатимизнинг бугунги салоҳиятининг ифодаси.

Гербимиз марказида саодат, ҳиммат, олижаноблик, омад, тинсоли бўлган афсонавий Ҳумо қушининг қанотларини ёзиб парвозга шайланиб тургани ўз ифодасини топган. Халқимиз Ҳумо қушини азал-азалдан бахт ва давлат куши сифатида тасаввур этиб келган. Давлатимиз гербининг пастки қисмида, байроғимизни ифодаловчи чамбар бандига барчамиз учун азиз ва муқаддас бўлган «Ўзбекистон» сўзи битилган.

Тамгамиздаги барча рамз ва тинсоллр халқимизнинг шаъну шавкати, гурури, ор-номуси, тарихий хотирасини ўзида мужассам этган. Унинг тинчлик, эзгулик, бахт-саодат, тўкинлик, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларини ифода этади. Гербимиз ҳар бир юртошимиз учун фахру ифтихор манбаи, ёшларимизни ватанпарварлик, аждодларимиз аънаваларига содиқ фарзандлар этиб тарбиялаш йўлидаги муҳим восита ҳамдир.

Давлатимиз рамзларини эъзозлаш ҳар бир ватандошимизнинг муқаддас бурчидир. Давлатимиз рамзлари, шу жумладан, Герби қонун билан муҳофазат қилинади. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида» қонунда белгиланганидек, Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган ўзга шахслар давлатимиз Гербинини ҳурмат қилишлари шарт.

Зеро, Ватанимиз рамзлари унинг ўзи каби муқаддас, улук ва азиздир.

Олим Тўрақулов,
ЎзА шарҳловчиси

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзХДП ҳаёти

ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ИШЛАШ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ЯНАДА ФАОЛЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Қорақалпоғистон республика партия кенгаши томонидан ташкил этилган давра суҳбати «Таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида партия электорати билан ишлашни кучайтириш масалалари: тажриба, муаммо ҳамда уларнинг ечимлари» мавзуга бағишланди. Унда республика партия кенгаши Ижроия Кўмитаси аъзолари, масъул ходимлари, экспертлари, шаҳар ва туманлар партия кенгашлари раислари, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мазкур соҳаларда малакали кадрлар тайёрлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимиз Президентининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шартитидани уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асари мазмун-моҳиятига батафсил тўхтадилар. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини камайтиришга қаратилган дастурининг ижросини таъминлашда партиядошлар иштироки ҳамда фаоллигини ошириш жуда муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди.

— Ёшларни билимдон, етук ҳамда олий даражадаги мутахассис кадрлар этиб тайёрлаш, шунингдек, мактаб таълимини ривожлантириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда, —

дейдди Республика халқ таълими вазири Бегдулла Султонов. — Айниқса, ўқувчиларнинг билим чўққиларини пухта эгаллашлари учун мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муқаддас бурчидир. Партия фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг иштироки билан муқаддас бурчидир. Давлатимиз рамзлари, шу жумладан, Герби қонун билан муҳофазат қилинади. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида» қонунда белгиланганидек, Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган ўзга шахслар давлатимиз Гербинини ҳурмат қилишлари шарт.

Зеро, Ватанимиз рамзлари унинг ўзи каби муқаддас, улук ва азиздир.

Рейсбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

МИЛЛИЙ МАНФААТ ҲИМОЯЧИСИ

доимо бедор, қатъиятли, эътиқодли ва гурурли бўлмоғи зарур

Ҳаммамиз ҳам англай олмаётганга ўшаймиз.

Бугун дунёда нималар бўлаётганига зийрак оқибатга ўз-ўзидан ҳушёр тортаман. Узини гўё фикрдошдек тутиб, яқин туггандек кўзига қилиб қараб, ёртамларни муносиб ёрита олаймизми, дея ўзимизга савол берасан, тўғри бўлади, деб ўйлайман. Амалга оширилган ишларни тарозининг бир палласига, ёзганларимизни иккинчи палласига солиб кўрайлик, қай даражада тош босадими? Халқимизнинг бунёдкорлик ишлари, қаҳрамонона меҳнат олдида қарздор бўлиб қолмаётганими? Айрим ҳамкасбларимизга малол келса ҳам айтишимиз керак. Олди ахборот ёзиб умри ўтаётган, лекин гап келганда фалон йилдан бери меҳнат қиламан, деб муқофотларга даъвогарлик қилаётганлар йўқми ораминда. Йиллаб ишласан, эл эътирофи этакидан бирор тамаққа эъза бўлмаган, курсатув, эшиктириш қилмаганлар билишимиз ҳам сир эмас-ку! Ҳозир фақат туман, вилоят ёки республика миқёсида эмас, балки дунёвий фикрларидан, сўз айтадиган пайт эканини

бурчимиз эмасми.

Президентимиз табриги мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, ҳулоса қиладиган бўлса, миллий манфаатини фақат миллий ғояга таяниб ҳимоя этиш мумкин. Миллий ғояга таянмаган сўзининг, фикрнинг таъсири, самараси бўлмайдими. Доимо ҳушёр ва бедор, қатъиятли, эътиқодли ва гурурли журналистгина одамларнинг ишончли дўсти, жамиятининг ҳақиқий таянчи бўла олади.

Ҳаётдаги жиддийроқ камчилик ёки муаммони кўриб, «бошимни гавага кўйиб нима қиламан» деган ҳадик билан ўзимизни четга олиш ҳоллари ҳам борлигини инкор этолмаймиз. Жамиятининг орғиқ нукталарига жамоатчилик, ҳукумат эътиборини қара-тиб айнаб бизнинг вази-фамиз эмасми?!

Президентимиз таъкид-лаганидек, мавжуд муам-моларни ҳал қилиш усти-да аввало ўзимиз, шу кас-бнинг ҳақиқий фойдалари-ри бош қотирмасак, биз учун бу ишни бошқа ҳеч ким қилиб бермайдими.

Биз мамлакатимизда эришилаётган ютуқларда хиссамиз борлигидан фаркланамиз, албатта. Аммо ўз наватидан жами-ятдаги ҳар бир камчилик

ва нуқсонда ҳам айбимиз борлигини тан олмаганимиз керак. Танқид кўпчиликла-к ёқмаслиги бор гап. Қайси-дир нопок амалдорнинг, эл-юрт қаҳига хиёнат қила-ётганларнинг, уюшган жи-ноий гуруҳнинг манфаати-га қарши бориш осон иш эмас, албатта. Лекин шу касбни танлаган эканмиз — бу бизнинг қисматимиз. Ёзганларимиз, айтганча сўзимиз одамларга, жами-ятга озми-кўпми фойда келтираётган экан — бу бизнинг бахтимиз!

Мамлакатимиз раҳбари ҳар гал матбуот вазифа-лари ҳақида тўхтаганда кор-рупция, амалпарастлик, бю-роқратлик, маҳаллийчилик каби иллатларга қарши му-росасиз курашиш лозимли-гини такоррлаб келади. Юр-тбошимиз кечяги табрикда ҳам бу масалага яна бир бор эътиборимизни қара-тиб, «буларнинг барчасига қарши муросасиз курашиш, бир сўз билан айтганда, адолатли қарор топтириш, жамиятимизни янада эркин-лаштириш учун ўзини аямасдан, виждон амри би-лан яшаш журналист деган касбни танлаган инсонлар учун доимий ҳаёт мақсади бўлишини истардим», деган сўзларни алоҳида таъкидла-ди. Президент бизни дедил бўлишга ундамоқда, қўлаб-

қувватламоқда, ҳимоя қил-моқда. Биз бунинг англоми-ғимиз, бу ишончга яраша меҳнат қилмоғимиз, бошқа ача айтганда, касбимизга садоқатимиз, қатъиятимиз, одамлар ва жамиятнинг ҳақиқий таянчи эканлигини амалда ёрқинроқ намоён этишимиз талаб этилади.

Журналист фаолиятининг ҳимояси, меҳнатининг қадри тўғрисида фикр юритганда ҳақ-ҳуқуқимиз-ни таъминлайдиган қонун-лар яратилгани, қалам аҳлини моддий-маънавий рағбатлантиришга йил сайин катта эътибор бери-лаётганини ҳам айтиб ўтмоқ лозим бўлади.

Қуни кеча байрам ара-фасида фаол журналист-ларимиздан катта бир гу-руҳи қимматбахш совғалар билан тақдирланди. Лекин Президентимиз табрикда шаънимизга айитган сам-имий гаплар, билдирилган юксак ишонч ҳар би-римиз учун энг катта му-кофот бўлди десам, ўйламанки, бу фикрга барча ҳамкасбларим қўшилиди. Бу мукофот масъулияти ўз касбимиз, бурчимиз ҳақида яна бир бор чуқурроқ ўйлаб кўришга, янада бедор ва ҳушёр бўлишга даъват эт-моқда.

Сафар ОСТОнов

ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ

бугунги кун вазифаларидан келиб чиқиб, амалий ишлар қилмоқда

Химойиддин Шаро-фиддинов, партия аъзоси, меҳнат фахрий-си:

— Жаҳонда иқтисодий бўҳрон аяб олиб бора-ётган бугунги кунда ҳар биримиз одамларимизни иш билан таъминлаш, уларнинг аҳолини яхши-лаш ҳақида ўйлашимиз керак. Ҳар бир ташки-лот, ҳар бир хонадон ўз режасини тўзсин. Чиким-ни, исрофгарчиликни ка-майтириш, даромадни кўпайтириш йўллари-ни излаб топишимиз зарур. Айтайлик, электр қува-тини тежаш орқали ор-тиқча сарф-ҳаражатлар-ни камайитириш мумкин-ку!

Шахсий томорқа ва ёр-дамчи чорвачилик хўжа-

ликларидан оқилона фой-даланиш керак.

Бу йил — сайловлар йили. Кўп депутатлар нима иш қилди, қандай масалаларни кўтариб чиқ-қан — ҳаммасининг сама-раси энди тўла аён бўла-ди. Бу галги сайловларда шундай қийинларнинг но-моддини кўйиш керакки, токи у партияимиз тараф-дорлари манфаатини ҳимоя қилсин.

Иброҳим Ёқубов, вилоят молия бошқармаси худудий бошланғич партия ташкилот раиси, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати:

— Халқимизда «Ёлғиз отнинг чанги чикмас, чан-ги чикса ҳам донги чик-мас» деган нақл бор. Бир-киши ҳар қанча олиб-югурмасин, ишининг на-тижаси кўринмайдими. Шу-нинг учун биз партия фа-

оллари ҳар бир ишда етакчилигимизни қўлаб-қувватлашимиз лозим. Шундай қилсақ, фаоли-ямиз янада самарали бўлади.

Партиядошларимиз кон-ференцияга тақлиф этил-ган шаҳар ҳокими ўрин-босари Холли Қурбанова-га долзарб масалалар, мавжуд муаммолар юза-сидан қўлаб кўришга қилишди.

— Партия аъзолари фаол бўлиши керак. Му-аммолар ҳақида, айниқса, уларнинг ечими ҳу-су-сидан ўз фикр-мулоҳазалари-мизни дедил билдирши-миз ва фаолият кўрсати-шимиз лозим, — деди Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши раиси Ҳамро Эр-матов.

Қурбон Жўрғаназоров,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



ДУКОН ИШГА ТУШДИ

Олтинқул тумани «Матлуботсавдо» акциядорлик жамияти томонидан «Кишлоқ тараққоти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида замонавий савдо дўконлари қуриши, аҳолига қўлай хизмат турларини тақлиф этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили кишлоқ аҳолисига қўлайлик яратиш мақса-дида 21 та минни маркет дўконлари барпо этилган эди. Яқинда Қўрғонча, Қорақалпоқ қишлоқларида янги савдо мажмуалари ишга туширилди. Янги дўконлар қишлоқ ҳудудига истиқомат қилаётган 15 минг нафар-дан ортиқ аҳолига сифатли савдо хизмати кўрсатади.

Суратда: Олтинқул тумани «Матлуботсавдо» акциядорлик жамиятига қарашли Қорақалпоқ қишлоқ фуқаролар йўғинида ишга тушган янги савдо дўкони.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Меҳмондорчиликдан сўнг ўз машинасига ўтириш курилмасида носозлик сазғак, «Ауди»сини мезбонликка ташлаб кетди. Бир-икки кун ўтмасдан Олтинқул туманидаги тайёрлов савдо корхонаси раҳбари бўлган мезбон — Абдухалил Маматов устидан жиноят иши кўзга тилди. Уй тинтувдан ўтказилди. Ва ўша ташлаб кетилган меҳмонга тегишли улук ҳам тергов таловига тушди, суд томонидан мезбон мулкларига қўшиб мусо-дара этилди, «Баҳолиб» деҳқон савдо дўкони ор-қали 250 минг сўмга сотилди... Бу «Баҳо» унинг иккита гилдираги нархи эди...

Аммо гап бу ҳақда эмас. Газетамизда юқоридаги ҳолатлар баён қилинган «Кимматга тушган меҳмондорчилик» сарлавҳали мақо-ла чоп этилгандан сўнг (2004 йил) Олий суд бунга дарҳол эътибор қаратди. Мезбон А.Маматовга нисбатан чиқарилган суд қарорларининг «Ауди» машинасини мусо-дара қилиш ҳақидаги қисмига нисбатан протест киритилди ва автомобиль мусодарадан чиқарилди. Лекин у ўз эга-сига қайтмади.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раиси Б.Исломов машина эгаси — меҳмон И.Эргашевага юр-дан хатида (2007 йил 18 апрель) ушбу мулк суд қорол-рини бажариш учун сотил-ганлигини, бу ҳолатда сотув-чи инсофли эгалловчи ҳисоб-ланишини асос қилиб (Фуқа-

ЎХШАШ ҲОЛАТЛАР ВА

ёки суд амалиётидаги бир хил вазиятга

Масала, муносабат

ролик кодексининг (ФҚ) 229-моддаси 2-қисми), «Ауди» унга қайтарилмаслигини маълум қилди. Хатда яна ёзилишича, И.Эргашева машина сотилган суммани талаб қилиб, фуқаролик судига даъво киритиши мумкин экан. Бу сумманинг қанчали-ги сизга маълум...

Шундай қилиб 1998 йил меҳмонга бориб мулкнинг йўқотган И.Эргашева уни қайтариб ололмади. Уларга суд қарорини ижроси учун сотилган мулк кейинчилик талаб қилиб олинishi мумкин эмаслиги тўғрисидаги ФҚнинг 229-моддаси 2-банди рўқач қилинмоқда.

Лекин шунга ўхшаш ҳолат-да бошқа бир суд бошқача ҳулосага келган. Жиноят ишлари бўйича Андижон туман суди Улугбек Эргашев ва Ҳакимжон Отажоновни Жиноят кодексининг бир нечта моддаси билан айбдор деб топди (2007 йил 5 апрель). Етказилган зарарни қоплаш учун У.Эргашевнинг илтимосига биноан унга тегишли мулк — Андижон шаҳар, Фитрат кўчаси 256-уйда жойлашган тивуқчилик фаб-рикасининг бино ва иншоот-ларини сотишга амалга оши-риш суд ҳукмида белгилан-ди.

Ушбу суд ҳужжатида асосан ижрочилар томонидан мулк сотувга қўйилди. Обьект 2008 йил 19 февраль куни республика Кўчмас мулк бир-жасининг Андижон вилояти филиалида бўлиб ўтган сав-до орқали «Анд-Наврўз» су-пермаркетига сотилди. Етка-зилган зарар суммаси қоп-ланди.

Сотиб олувчи хароба ҳоли-даги бу бинони таъмирлади, уни савдо хизмати учун мос-лаштирди, у шаҳардаги кўркам бинолар қаторига кирди. Бирок суд ҳукми иж-роси учун сотилган бу мулк-нинг инсофли эгалловчиси манфаатларини ФҚнинг 229-моддаси 2-банди ҳимоя қил-мади.

Шу йилнинг 19 январида фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят апелляция судлов ҳайъати ажрими ор-қали ушбу объект олды-сот-ди шартномаси бекор қилин-ди ва мулкка судла-нувчи У.Эргашевнинг тур-муш ўртоғи Д.Эргашевнинг эгалик ҳуқуқи тикланди. «Анд-Наврўз»га мулкни даст-лабки ҳолатга келтириш маж-бурияти юкланди.

Суд мулк олди-сотдисидан Д.Эргашева беҳабар қолган-лигини, сотилган мулк эр-хотин ўртасидаги биргалик-даги мулк ҳисобланишига қарамай ижрочилар аввал унга тақлиф қилмасдан, огоҳлантиришсиз сотиб юборганлиги каби асослар-ни келтирган. Ёъни, ушбу суд мулк суд қарори ижроси таъминлаш учун сотил-гани-ю, сотиб олувчи «Анд-Наврўз»нинг инсофли эгал-ловчи бўлиб ҳисобланиши каби ФҚ 229-моддаси та-лабларига қараб ўтирмади. Мулк ноўғрйи сотилган дея, уни аввалги эгасига қайтар-ди-қўйди. Хатто биржа ор-қали мулк сотиб олиб, уни таъмирлаган, кўркамлаш-тирган инсофли эгалловчига объектни аввалги — эски ҳолига келтириш мажбурий-тини ҳам юклади... Яъни ушбу низода суд инсофли эгалловчи ҳуқуқини ҳимоя қилмади, зарарини ҳам аниқламади, уни қим тўлаш-лигини белгилламади ҳам. Ўхшаш ҳолатда турли өчим-лар: бир суд мулкни ноқону-ний мусодара этилган мулк

ОБОД ҚИШЛОҚЛАР — МАМЛАКАТИМИЗ КҮРКИ

«Республикадаги энг яхши қишлоқ» танлови юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 майда қабул қилинган қарорига мувофиқ қишлоқ аҳоли пунктларида ўтказиладиган «Республикадаги энг яхши қишлоқ» танлови бу ишларни янада юқори бошқича олиб чиқишга хизмат қилади.

Танловдан кўзланган мақсад қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий-бардоби кўлиб янада яхшилаш, аънанавий ва замонавий қурилиш материалларидан фойдаланишдан жондорлик ҳамда ободонлаштириш ишларини муносиб баҳолаш ва рағбатлантиришдир.

«Давархитектурилиш» қўмитасидан маълум қилишларича, айни пайтда жойларда танловга тайёргарлик ишларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари якунига етказилди. Кўп бўли қишлоқларда мазкур танловда муносиб ишторни эшиш мақсадида уй-жойлар, ишлаб чиқариш ва маиший объектларни таъмирлаш, қишлоқ ҳамда ободонлаштириш ишлари кенг қўламда давом этмоқда.

Бужоро туманидаги Работак қишлоғи аҳолиси ҳам мазкур танловда фаол иштирок этиш учун қизгин ҳозирлик кўрмоқда. Қишлоқдаги мавжуд 362 хонадон фасадга ва янаша қисмларини замонавий асосда таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш ишлари авжида.

Қишлоғимиздаги мавжуд болалар боғчаларини жорий таъмирлаш ишлари бошланди, — дейди «Работак» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳиб Мухиддинов. — Шунингдек, магистрал автомобиль йўли атрофида жойлашган уй-жойларни қайта лойihalаштириш ва 30 та икки қаватли янги турар жой биноларини қуриш режалаштирилган. Янги уйлари лойihalашда «Қишлоққурилишлойiha» лойihal-қидирув институти билан яқин ҳамкорлик қилинмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов қарорига мувофиқ энг ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари фаолият кўрсата бошлагани бу ишларни амалга оширишда айни мудоао бўлди. Жорий йилнинг биринчи чорагида республика бўйича объектларни тўла тайёр ҳолда топширишга их-

тисослаштирилган унлаб ана шундай таъмирлаш-қурилиш ташкилоти фаолият бошлади. Бундай ташкилотлар учун солиқ имтиёзлари ва преференциялар кўзда тутилгани уларнинг аҳолига арзон нархларда хизмат кўрсатиш имконини бермоқда.

Қишлоғимизнинг қиёфаси қундан-қунга чирой очиб, одамларнинг турмуш даражаси тобора яхшиланиб бормоқда, — дейди Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги «Оқолтин» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Жумабой Отахонов. — Қишлоғимиз худудидан ўтган магистрал атрофини ободонлаштириб, ёриткичлар ўрнатдик ва 15 минг тупга яқин манзарали дарахт кўчларини ўтказдик. Қишлоқ тadbиркорларидан бири тивувчилик ҳечини ишга туширди, мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйди ва 20 нафарга яқин ёшни иш билан таъминлади. Ҳозир янги лойihalаси содди 10 тага яқин уй-жой қурилмоқда.

Қишлоқларни ободонлаштириш, замонавий типдаги уй-жойларни қуриш ҳамда таъмирлаш учун давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан «Қишлоқ қурилиш банк»

акциядорлик-тижорат банки ташкил этилди. Янги банк томонидан аҳолига намунавий лойihalар бўйича яқин тартибда уй қуриши учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 50 фоизи микдоридан ошмайдиган фоиз билан, энг кам иш ҳажмининг 1000 баробарига, 15 йил муддатга имтиёзли кредитлар берилиши, аҳолининг барча қатламлари учун яхши қўлайлик яратди.

Жойларда маҳаллий ҳомашэ асосида қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва мини цехлар ишга туширилаётгани ҳамда аҳолига биржа баҳоасидан юқори бўлмаган нархларда қурилиш материалларини етказиб беришчи шохобчалар ташкил этилаётгани фуқароларни нафақат арзон ҳамда сифатли қурилиш материаллари билан таъминлашга, балки қишлоқларимиз инфратузилмасини яхшилаш, аҳолини иш билан банд этишга ҳам хизмат қилаётти.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларнинг амалдаги самараларидандир.

Хуѕниддин БЕРДИЕВ, ЎзА шарҳловчиси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ичкилик ва енгилтакли оқибада фожиа рўй берди. Нигора ҳаётдан кўз юмди. Ийигит эса суднинг қора курсисига ўтирди.

Ўтган йил, 6 сентябрь, кеч соат 22 ларда Ҳикмат ширақай бўлиб, кўча сайрига чиқди. У «Нисо» ресторани ёнида келишган, ойдек қизга гап ташлади. Қиз тушмагур ҳам тезда «кармоққа» илдани қолди.

Ҳикмат йўл-йўлакай Нигорага (исми ўзгартирилди) иккита юмшоқ уйинчоқ, шоколад, «Сарбаст» пивоси ва у-бу харид қилди.

— Уйда ҳеч ким йўқ, Онам-опам зиёратга кетишган. Яхисини Нигорани уйга олиб бораман... Шайтон измига тушган Ҳикмат Нигорани уйга олиб келди.

Ширақай бўлса-да, қиз билан ўтириб яна «Сарбаст»ни ҳам ичди.

Улфатчилик жанжалга айланди. Қиз қўл телефонидан кимлар биландир гаплашди.

— Кеч бўлди, энди кетмайман, — деди қиз.

— Бу ерда қолишнинг мумкин эмас. Биров келиб қолса...

— Унда ҳамма қилмишларинг-

ШАЙТОН ШЕРИК БЎЛГАН ТУН

ни милицияга айтиб бераман... Нигоранинг бу гапини тавҳид деб тушушган Ҳикмат қизни харидга тушди.

— Телефонингни пули тугаган экан. Юр, «картичка» олиб бераман.

— Мен бормайман. Ўзинг келтириш.

Ҳикмат уйига яқин дўкандан Нигора учун телефон картюкаси сотиб олди. Шу атрофда турган такси хайдовчиси билан келишиб уйга қайтди.

— Нигора, мана «Билайн» картюкаси. Энди уйингга...

— Мен ҳеч қачон кетмайман дедим-ку. Сен онамни ҳақорат қилганинг учун 50 минг сўм берсан!

— қиз қайсарлик қила бошлайди.

Таксининг телефон рақамларини ёзиб олиб, кетишга рухсат берган Ҳикмат орадан бироз вақт ўтиб, уни телефон орқали чақирди. Хайдовчи билан келишиб, режа тузди.

— Ака, бунақаларни ўзингиз биласиз, бир ёрдам қилинг. Сиз отам бўлиб қеласиз. Сал нўписа қилинг...

— Бўпти, — рози бўлди такси

хайдовчиси.

— Нигорага «ота» танбех берди.

— Нима қилиб ўтирибсан, қизим? Уят эмасми, тур, уйингга кет!

— Мен ҳозир ҳеч қачонга кетмайман, дедим-ку!

Қизнинг инжиқликлари-ю, хархашасидан асаблари танрангдвган Ҳикматнинг қўли мушт бўлиб турилди...

Юзи билан ерга қараб ётган Нигорани телефон сими билан бўғиб, ўлдириб қўйган Ҳикмат қизнинг жасадини елкасига кўтариб кўчага чиқанда ярим тун, соат 3 лар атрофида эди. Бу дахлатли жаноятдан ҳадисирагандек ой ҳам, юлдузлар ҳам қоронғулик бағрига яшириниб олингандай гўё...

Энди уйлаб кўрайлик: бу қотиллик нега содир бўлди? Фақат ичкилик сабабини ёки икки ёшининг енгилтаклилими? Ҳар иккаласи ҳам.

Ҳажолат ботқоғига ботиб жиннат кўчасига кирмаслиги учун инсон соғлом турмуш тарзини танлаши лозим.

Моҳира ШАКАРОВА, журналист.

ТУРЛИЧА ЕЧИМЛАР

нисбатан ҳар хил ёндашувлар хусусида

эгасининг эмас, «инсофли эгалловчи»нинг манфаатларини химоя қилмоқда. Бошқа бир суд эса нотўғри сотилган деган хулоса билан мулкнинг аввалги эгаси ҳуқуқларини муҳофаза остига олмоқда. Бир ҳолатда жиноий суд ҳужжатининг мусодара қисминда мулк чиқариб ташланган бўлса-да, автомашина эгасига қайтарилмади. Иккинчи вазиятда эса жиноят суди ҳукмининг кўчмас мулк тўғрисидаги қисми ўзгармаган ёки бериб бўлмаган ҳолда фуқаролик суди мулкни эгасига қайтарди. Бир ҳолатда мулк эгасига «инсофли эгалловчи»дан ҳатто эски гилдирак ҳам қайтарилмади. Бошқасида эса янги, қўркам бинони аввалги эски — хароба ҳолига қайтариб «инсофли эгалловчи» зиммасига юклатилди. Бир ҳолатда бировга мулкни талаб қилиб олиш мумкин, иккинчисидо эса мумкин эмас... Қизик, қонулар ҳар қандай вазиятда бир хил ишлаши, қонун меъерлари ҳамма жойда бир хил қўлланилиши керак эмасми?

Яна бир ҳолат. Дўл ёғиши натижасида кўпбад фермер хўжалиқлари қатори ўтган йили Куйи Чирчик туманидаги «Абдулла Қобулов» фермер хўжалиги далалари ҳам

зарар кўрди. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, фермерлар уюшмаси, Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими мутахассислари ҳамда «Ўзгросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси вакили иштирокида зарар кўрган пахта ва фалла майдонлар ўрганилиб, далолатнома тузилди. Уни қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиги тасдиқлади. Далалар суғурта олинди. Туман бўйича табиий офат туфайли зарар етган экин майдонлари рўйхатида «Абдулла Қобулов» фермер хўжалиги далалари ҳам акс этди. Рўйхат туман ҳокими фармойиши билан тасдиқланди. Дон ва пахта тайёрлов идоралари билан тузилган шартноманинг 6.1. бандига асосан табиий офат туфайли режа бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафлар жавобгар бўлмаслиги белгиланган. Уша табиий офат туфайли ушбу фермер хўжалигида ҳам шартнома режалари лозим даражада бажарилмади.

Судга тайёрлов идоралари манфаати кўзланган ҳолда даъво аризалар киритилди. Фалла бўйича берилган даъво аризасини кўрган Тошкент вилоят хўжалик суди судьяси Р.Премқулов юқоридаги да-

лолатнома ва рўйхатни инобатга олди ҳамда жавобгарнинг ўша ҳужжатларга асосан даъводдан воз кечганини қабул қилди. Иш ўргатиш тугатилди (2008 йил 6 август). Аммо Тошкент вилоят хўжалик судининг бошқа бир судьяси И.Таджиев томонидан юқоридаги далолатнома худди шунга ўхшаш ишда инобатга олинмади: «Абдулла Қобулов» фермер хўжалиги пахта режасини тўлиқ бажармаганлиги учун жаримага тортилди (2008 йил 13 ноябрь).

Буни қарангки, судья И.Таджиев айнан шундай хўжалик ишда бутунлай бошқа қарорга келди. У шу тумандаги «Фофур» фермер хўжалиги билан тайёрлов идораси ўртасида низода пахта экин майдонларини дўл урганилиги тўғрисидаги далолатномани, унинг туман ҳокими фармойиши билан тасдиқланган рўйхатини инобатга олди ва фермер хўжалигини жаримадан озод қилди (2009 йил 1 апрель). Ваҳоланки, бундай далолатнома «Абдулла Қобулов» фермер хўжалиги пахта экин майдонлари бўйича ҳам тузилган. Туман ҳокими фармойиши билан тасдиқланган рўйхатда ушбу фермер хўжалиги номи ҳам



Жорий йилнинг 1 июнида Рио-де-Жанейродан Парижга парвоз этган Франциянинг «Air France» авиаконанциясига қарашли «А-330» аэробуси Атлантика океанида ҳалокатга учради ва 228 кишининг нобуд бўлиши дунё ахлини қайғуга солган эди. Орадан кўп ўтмай, 30 июнда яна фожиа юз берди.

Бу ҳақда жаҳон оммавий ахборот воситалари тезкор хабар тарқатди. Уларда қайд этилишича, Парижнинг «Руасси-Шарль де Голл» аэропор-

ГАП АЭРОБУСДАМИ, ЁКИ?..

АВВАЛГИ ҲАЛОКАТ ҚАЙҒУСИ АРИМАЙ ЯНА ҲАЛОКАТ ЮЗ БЕРДИ

аэробус парчалари топилган. Аммо қурбонлар сони ҳақида ҳозирча ҳеч нарса дейилмапти.

Маълумотларга қараганда, 1996 йилда ҳам айнан шу худудда Эфиопиянинг авиалайнери ҳалокатга йўлиққан ва 175 йўловчининг кўпчилиги ҳаётдан қўз юмган.

Умуман, кейинги ўн йилда юз берган энг йирик авиалококатлар статистикасига назар ташлайдиган бўлсак, рақамлар юракда нечоғли оғрик пайдо қилишини тасаввур этиш қийин эмас. Интернетдаги статистик маълумотларга қараганда, ўн йилда 36 та (2001 йили АҚШда содир этилган террорчилик актлари боис портлатил-

11 та ҳарбий кема, шунингдек, Франция, АҚШ, Испания самолётлари ва кемалари қатнашди. Уч ҳафтадан ортқ давом этган қидирувда 51 йўловчининг жасади, самолётнинг 600 дан ортқ бўлак-лари топилди. Афсуски, «қора қути» топилмади. Уни қидириш яна 16-19 кун давом этади. «Қора қути»нинг сигнал таратиш қуввати бугун-эрта тугайди. Ҳинд океанида ҳам қидирув-қутқарув ишлари кенг тус олиб бормоқда. Бу гал ҳам айнан аэробуснинг ҳалокатга учраши ҳар қандай одамда унга нисбатан ишончни сусайтириши турган гап.

Ҳўш, гап аэробусдами, ёки?..

Мутахассис-экспертларнинг фикрларига қараганда, замонавий самолётлар автоматик тизимда бошқарилади. Учувчиларнинг иши асосан самолётни бошқариш эмас, балки унинг компьютер тизими фаолиятини назорат қилишдан иборат.

Экспертлар яна шуни алоҳида уқтиришмоқ-



дан 4 та самолёт ва 3,5 миңдан ортқ одам қурбон бўлганини ҳисобга олмганда) авиалококат юз берган. Бу фожиалар оқибатида 4877 киши ҳаётдан қўз юмган. Агар бунга 2001 йил 11 сентябрь куни АҚШда содир этилган террор қурбонларни қўшадиган бўлсак, қурбонлар сони кишини ташвишга солади.

Шу ўн йил давомида аэробуслар билан боғлиқ 8 та ёки «Boeing» билан боғлиқ 17 та йирик авиалококат рўй берганига эътибор қаратадиган бўлсак, хавфсизлик тизимини янада такомиллаштириш ва янада мукамаллаштириш шартлиги долзарб масалалардан бири сифатида намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Атлантика океанидаги кенг миқёсли (қидирувда Бразилия ҳарбий ҳаво кучларига қарашли 12 та самолёт,

даки, ҳозирги учувчилар билан аввалги учувчилар ўртасида каттагина фарқ бор. Яъни ҳозирги замон учувчилари ўз аждодлари сингари самолётни мустақил, кўлда профессионал даражада бошқариш малакасига эга эмас экан. Тўғри, улар тренажёр машқларида кўникма ҳосил қиладилар. Аммо бу амалий малака ролини бажара олмайди.

Демак, авиалококатларнинг кўпайиб бораётганига, балки шу хижатлар ҳам сабаб бўлаётгандир?

Уйлаймизки, энг замонавий ҳаво кемалари билан дунё бозорини забт этаётган йирик авиаконанция ва авиаконанциялар мутахассислари юз бераётган авиалококатлардан керакли хулосалар чиқаришади.

Алимакул СУЛТОНОВ

ДАВЛАТ ТЎНТАРИШИ

амалга оширилди

Гондурасда кўзголончи ҳарбийлар томонидан давлат тўнтариши амалга оширилди. Улар амалдаги президент Мануэл Селай ҳокимиятини (унинг ваколат муддати 2010 йил 27 январда тугайди) ағдариб, ўз ҳокимиятини ўрнатдилар. Парламент эса фақуллода мажлис ўтказиб, спикер Роберто Мишелеттини вақтинча президент вазифасини бажарувчи этиб тайинлади. У президент сайлови шу йил 29 ноябрда ўтказилиши ҳақида баёнот берди.

Гондурас пойтахти Теғуси-

гальпада президент тарафдорлари билан «путча» тарафдорлари ўртасида тўқнашув юз берди, дейилади «Вести» хабадида. Нажидада 1 киши ҳаётдан қўз юмди, 60 га яқини туржи даражада тан жароҳати олди.

Таъкидлаш керакки, кўпгина давлатлар янги ҳокимиятни ноқонуний хатти-ҳаракат қилганлига айб-ламолда. Лотин Америкасидаги 7 та давлат янги ҳокимият бошқарувидаги Гондурас билан алоқаларни узишга қарор қилди, яна 7 та мамлакат эса

ўз элчиларини чақириб олди.

БМТ Бош Ассамблеяси фақуллода мажлис ўтказиб, Гондурасдаги сиёсий инқироз оқибатларини муҳокама этди.

Мамлакатдан чиқариб юборилган Мануэл Селай Манавуада бўлиб ўтган худудлар етакчиларининг фақуллода саммитида иштирок этиб, бугун Гондурасга қайтиши ҳақида маълум қилди.

«MUNICIPAL AUKSION MARKAZI» MCHJ

TANLAV SAVDOSIGA taklif etadi

Tanlovga Toshkent shahar hokimiyati «Yagona buyurtmachi xizmati injiniring kompaniyasi» tasarrufidagi qurilishi tugallanmagan binolar qo'yiladi:

1. Toshkent shahri, Sergeli tumani, Sereil-5 mavzesida joylashgan umumiy yer maydoni 570 kv.m. va qurilish maydoni 361 kv.m. bo'lgan ko'p qavatli turarjoy binosi (yerto'la qism mavjud). Boshlang'ich narxi 150 000 000 (bir yuz ellik million) so'm. Sarmoya miqdori 220 000 000 (ikkiz yuz yigirma million) so'm. Zakalat 30 000 000 (o'ttiz million) so'm.

2. Toshkent shahri, Sergeli tumani, Quruvchilar mavzesida joylashgan umumiy yer maydoni 610 kv.m. va qurilish maydoni 389 kv.m. bo'lgan maishiy xizmat ko'rsatish binosi. Boshlang'ich narxi 50 000 000 (ellik million) so'm. Sarmoya miqdori 235 000 000 (ikkiz yuz o'ttiz besh million) so'm. Zakalat 10 000 000 (o'n million) so'm.

Tanlov talablari:

— Eng yuqori sotib olish narxini va belgilangan kam bo'lmagan miqdordagi sarmoya kirinish, to'lov va sarmoya kirinishni qisqqa muddatlarda amalga oshirish;

— Qisqa muddatda qurilish me'yori va qoidalariga muvofiq tugatish;

— Yangi ishchi o'rinlarini tashkil qilish, atrof muhitni obodonlashtirish.

Tanlov savdosida talabgartlarning takliflari bildirilgan konvertlarni ochish va savdo o'tkazish 2009-yil 4-avgust kuni soat 16-00da boshlanadi. Sotilmagan obyektlar 2009-yilning 18-avgust, 8 va 22-sentabr kunlari o'tkaziladigan savdolarga sotilgunga qadar qo'yiladi.

Savdolarda qatnashish uchun yuqorida ko'rsatilgandan kam bo'lmagan miqdordagi zakalat puli «Munitsipal auktsion markazi» MCHJ ning AIBK lpak Yo'li dagi MFO 00444, STIR 30005338, 202080010455505002 hisob raqamiga o'tatilgan tartibda to'lanadi. Buyurtma qabul qilish savdo kuni 13-00da to'xtatiladi.

Savdo g'olibiga savdo kunidan boshlab yigirma kun muddat ichida oldi-sotdi shartnomasini imzolash, shartnoma tuzilgunga qadar to'langan zakalat miqdori, sotib olish to'lovi miqdorining 15 foizidan kamini tashkil etgan taqdirda yetishmayotgan summani to'lab berish shartlari yুক্তatiladi.

Manzil: Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, M-14, 19-uy. Aloqa telefoni: 244-88-02. 244-88-04. Elektron pochta: auktsion@bk.ru

Shuningdek, o'tkazilgan auktsion savdolarda «Toshkent pochtmanti»ning 1996-yilgi likkita «Damas van» a/v 5400000 va 4900000 so'm, 1996-yilgi «Deu Labo» a/v 3900000 so'm, 1996-yilgi «Damas» a/v 4400000 so'm, «Davlat belgisi» DICHning 1996-yilgi «VAZ 2106» a/v 5400000 so'm, «Toshqishloq»ning 1996-yilgi «MTZ-80» tr-g 5800000 so'm, «Kamaz-53202» a/v 8400000 so'm, «2-Avtobus saroyi»ning 1995-yilgi «Dogani» S» 3260000 so'm, 1992-yilgi «VAZ 21063» a/v 2900000 so'mga sotiladi.

Guvochnoma: № 001568 — 09

Тақдир йўллари

НАҚАДАР БУЮКСАН, ВАФО ШЕВАСИ

ёки саксондан ошса ҳам Иккинчи жаҳон урушида бедарак кетган умр йўлдошини қутиб яшаётган Набот момо Шакарова ҳақида



Орадан олтинчи саккиз йил ўтибди. Эҳ-е, бу мударда қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди. Лекин Набот момо кўз очиб кўрган жуфти ҳалоли, яккою ягона қизалоғининг отасини қутитдан, яхши кунларнинг бирида унинг эсонмон қайтишига умид боғлаб яшашдан чарчагани йўқ.

ликда кечган ҳаётларининг меваси — қизалоқлари Анорхол дунёга келди. Ушанда ота бўлган Бобожоннинг қувонганини кўрсангиз эди. Бамисоли оламда ундан бахтли одам йўқдай.

Уруш тугади. Қишлоқдан фронтга кетган йигитларнинг икки-учтаси қайтиб қолди. Шундай инсонларнинг борлиги учун ҳам бу олам гўзал ва файзли, — дейди Дустлик туманидаги Боғзор қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси Тожихол опа Бекмуродова. — Аслида Набот момо Шакаровадай вафо ҳамда садоқатнинг тимсолларига айланган аёлларимизни ҳар қанча ардоқласак арзийди. Узингиз айтинг, бир йил эмас, ўн йил эмас, нақд олтинчи саккиз йил мобайнида бедарак кетган умр йўлдошини қутиб яшаш осонми? Ҳаётнинг бундай синовларига, тақдирнинг бешафқат зарбаларига бардош беришинг ўзи бўладики? Шуларни эътиборга олган ҳолда биз қишлоқимиздаги турмуш қураётган ҳар бир йигит-қиздан, аввало,

қолишади. — Шундай инсонларнинг борлиги учун ҳам бу олам гўзал ва файзли, — дейди Дустлик туманидаги Боғзор қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси Тожихол опа Бекмуродова. — Аслида Набот момо Шакаровадай вафо ҳамда садоқатнинг тимсолларига айланган аёлларимизни ҳар қанча ардоқласак арзийди. Узингиз айтинг, бир йил эмас, ўн йил эмас, нақд олтинчи саккиз йил мобайнида бедарак кетган умр йўлдошини қутиб яшаш осонми? Ҳаётнинг бундай синовларига, тақдирнинг бешафқат зарбаларига бардош беришинг ўзи бўладики? Шуларни эътиборга олган ҳолда биз қишлоқимиздаги турмуш қураётган ҳар бир йигит-қиздан, аввало,

қолиши анчайин мушкул масала. Бир пайтлари фронтга жўнаб бедарак кетган умр йўлдошини Набот момодай олтинчи саккиз йил илҳақ қутиб яшаш-қў, осон эмас. — Раҳматли эрингизни шунча қутиб чарчамадингизми? — деб сўраймиз момодан. — Ҳай, ўзим айланай, эримни раҳматли демангин, — жажли чиққанини яширмайди момо. — Бир куни эшикдан «Ассалою алайкум», деб кириб келса, нима дейман? «Нега мени қутмадинг?» деб сўраса-чи? Керак бўлса, умримнинг бир лаҳзаси қолсам уни қутиб яшайман, болажоним.

Беихтиёр уйга толаман: унинг бу гапларига эртадан кечгача пардоз-ан-

доздан бўшамайдиган, эрларини ўтурса ўпоқ, турса сўпоқ, дейишдан тап тортмайдиган айрим танноз аёлларимиз нима деркин? Ёки шарқона меҳру вафо, шарму ҳаёни унутиб, фарбчасига яшашни ўзларига эп билган, турмушнинг арзимас қийинчиликлари қарши-сида бош эгиб, ҳою ҳавас дея кўнгил кўчаларига кириб кетган баъзи опа-сингилларимиз-чи? Умр йўлдошини бир-икки ойгина қутиб қутиб қутиб бардошлари етмасдан ўзларини бозордан олиб бозорга солаётган оймачалар қандай жавоб қиларкан?

Яна ўз-ўзимга таскин-тасалли бераман. Аёл барибир аёл, барибир суюкли. Чунки уларнинг аксарияти вафою садоқатни бошларига тож қилиб кийганлар, уйим-жойим, оилам дейдиганлар. Улар бизни дунёга келтирган оналаримиз, бошимиз узра меҳру оқибат нурларини сочиб турган момоларимиз, қалбимизга жон қадар азиз бўлган опа-сингилларимиз, қисматимиз ва энг соҳир шис-туйғуларимизга ҳарик осон умр йўлдошларимиз, жону жаҳонимиз бўлган дилбар қизларимиз. Уларни севмай, эъзозламай, кўзларимизга тўтиё қилмай бўладими? Шуқурки, ҳаётда Набот момодай фаришталли, сабр-бардошли, оиласига, турмуш ўртоғига садоқатли аёлларнинг борлиги учун ҳам аёл муқаддас, аёл мўътаба!

Иброҳим ЖОНУЗОКОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири. Суратда: Набот момо Шакарова. Донугол ЖҲРАЕВА олган сурат.

Бу нима? Вафои? Садоқати? Меҳр-муҳаббатми? Одамлилики? Хали ўн гулдан бир гули очилмаган ёшгина жувонини фронтда бедарак кетган ёстиқдошини шунча йиллар қутиб яшашга нима мажбур қилди? Унинг ҳам бошқалардай ўйнаб-қулиб, очилиб-сочилиб яшашга, ҳаётнинг бор гўзалликлари, нашидасидан баҳраманд бўлишга ҳаққи-ҳуққи йўқми? Нега у оилани бу қадар муқаддас санади?

— Кутасанми? — деди у кетар олдидан қайлигининг узун-узун сочларини охишта силаб.

— Ула-ўлгунча сизни дейман, — шивирлади Набот ҳам.

Эртасига тонгда Бобожон урушга жўнаб кетди. Қўлида уч-тўрт ойлик қизалоғини кўтарган Набот эса кўзларида жиққа ёш билан уни қузаб қолди. Аввалига эридан кетмак кет хат-хабарлар келиб турди. Сўнг тўсатдан унинг бедарак йўқлигидан тўғрида сўз макут олди. Аммо Набот бунга ишонмади. Аза ҳам очмади, қора ҳам киймади. Бобожоннинг бир кун, албатта, қайтиб келишига умид боғлаб яшайверди. Жамоа хўжалигида ишлади. Нима юмуш бўлса, қилди. Кетмон чопди, елкалаб қум-

Саволлар кўп. Лекин уларга жўяли жавоб топиш осон эмас. Ахир, Иккинчи жаҳон уруши бошланган ўша тўфонли, оловли йилларда у бор-йўғи ўн тўққиз ёшда эди. Кун деса кундайин, ой деса ойдаини соҳибжамол эди. Қайлиги — қишлоқнинг алп йигити Бобожон Қўтиевнинг еру кўкка ишонмасди. Баъзан уларнинг шириндан ширин сўқбатлари тонгда қадар давом этарди. Улар бор-йўғи икки йилгина шундай яшарди. Бу орада бирга-

Халқаро форум

30 июнь куни пойтахтимизда «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Кўкрак бези хавфли ўсмалари муаммоларининг тиббий аспекти ва уни бартараф этишда жамоат ташкилотларининг ўрни» мавзусига бағишланган халқаро форум бўлиб ўтди.

«АЁЛЛАР КЕНГАШИ» ТАШАББУСИ БИЛАН

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, замонавий тиббиётнинг улкан ютуқларига қарамай, дунёда йилга 1 миллион нафардан ортиқ инсон кўкрак бези саратони хасталигига чалинади, уларнинг 600 нафарига яқини бевақт оламдан ўтади. Олимларнинг таъкидлашича, бу хасталик билан оғриган беморлар дунёнинг исталган мамлакатига учрайди. Кейинги йилларда уларнинг кўрсатиқ ортиб бораётиши, Бинобарин, Ўзбекистонда ҳам аҳоли орасида кўкрак бези ракига чалинган хасталар мавжуд.

Халқда ташаббуснинг қаноти бор, деган ибора мавжуд. Дарҳақиқат, жамоат бирлашмасининг бундай форуми ташкил этиш гоёсини Германия, Италия, Швейцария, Исроил, АҚШ, Туркия, Россия, Украина, Қозоғистон, Япониядаги қатор кўкрак бези мутахассислар, расмий идоралар, халқаро ташкилотлар кўллаб-қувватлади. 200 нафардан ортиқ онколог олимлар, мутахассислар, нуфузли фармацевтика компания вакиллари унда иштирок этди. Шунингдек, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги вазокатхонаси, «EVROPADONNA» кўкрак бези саратонига қарши кураш бўйича Европа коалицияси, «Ҳаёт учун тенг ҳуқуқ» нотижорат ҳамкорлиги (Россия), «Фемаклуб» саратон касалига чалинган аёлларни кўллаб-қувватлаш жамияти (Украина), «Nouartis» (Швейцария), «Sanofi-aventis» (Франция), «Hoffmann — La Roche» (Германия) сингари йирик фармацевтика компаниялари қатнашдилар.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, замонавий тиббиётнинг улкан ютуқларига қарамай, дунёда йилга 1 миллион нафардан ортиқ инсон кўкрак бези саратони хасталигига чалинади, уларнинг 600 нафарига яқини бевақт оламдан ўтади. Олимларнинг таъкидлашича, бу хасталик билан оғриган беморлар дунёнинг исталган мамлакатига учрайди. Кейинги йилларда уларнинг кўрсатиқ ортиб бораётиши, Бинобарин, Ўзбекистонда ҳам аҳоли орасида кўкрак бези ракига чалинган хасталар мавжуд.

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

«НАСАФ» — «БУНЁДКОР» БАҲСИ

бразилиялик мураббий Луис Фелипе Сколари учун дебют бўлади. Кеча пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида бразилиялик таниқли мутахассис Луис Фелипе Сколари Тошкентнинг «Бунёдор» футбол клуби янги бош мураббий сифатида кенг жамоатчиликка таништирилди. «Қалдирғочлар» билан бир ярим йиллик шартнома имзолаган мураббий иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. — Мақсадим — нафақат «Бунёдор» жамоаси билан юксак натижаларни қайд этиш, балки Ўзбек футбол тараққиётига ҳисса қўшишдир, — деди Луис Фелипе Сколари. — Албатта, янги футбол клубида мен билан кимларнинг бирлигида ишлаши муҳим аҳамият касб этади. Жамоада ишларни ташкил этишда ёрдамчи мураббий Флавио Да Кунья Тейшейра, жисмоний тайёрларчи бўйича мураббий Дарлан Жозе Шнейдер ва дарвозабонлар мураббийи Антонио Карлос Прачиделли менга қўмақлашади. Шунингдек,

Тошкент вилоят ҳўжалик судининг 2009 йил 22 июндаги ажримларига асосан банкрот деб тан олиншига доир иш очилган корхоналар рўйхати:

Table with columns: Хўжалик номлари, Ажрим рақами, Хўжалик номлари, Ажрим рақами

Ушбу корхона ва ҳўжаликларни тугатиш бошқарувчиси этиб Ўрта Чирчиқ тумани ДСИ ходими И.Игамбердиев тайинланган.

«Каролл-Каштан» хусусий фирмаси (ИНН 201207028, ОКОНХ 61110) мақоми «AKRUS QURILISH BISNES» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилди. Мурожаат учун телефон: 248-63-47.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV. TAHIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliiddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Ta'yan KISTANOVA, G'affor HOTAMOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Svetlana GERASIMOVA, Andrey KUSTOV, Ochiybob RAMZOV, Saidahmad RAHIMOV. MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI. BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Mas'ul kotib, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda, MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz. Navbatchi: Asror MO'MINOV. Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifaolovchi-ta'sturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosma-xonadida chop etildi. Korxonalar: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta shehna, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyati ruxsati bilan amalga oshiriladi. X 549. 13339 nusxada bosildi. T - Tijorat materiallari. ISSN 2010-7633. O'zA yakuni — 20.50. Topshirilgan vaqti — 23.50. 1 2 3 4 5 6 7. Sofiyda erkin narxda.